Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 30 март, шанба • № 25 (10.800) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЬЕТНАМГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ХАНОЙ. (ЎзА мухбири Амиркул Карим хабар қилади). 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташрифи бошланди.

28 март куни эрталаб Ханойдаги Президент саройи майдонида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва унинг рафиқасига Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Ан рафиқаси билан пешвоз чиқди. Ўзбекистон ва Вьетнам давлатлари мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Маросим ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вьетнам Президенти Ле Дик Ан билан қисқа мулоқотда бўлди.

Сўнгра Президент саройининг бошқа залида Ўзбекистон ва Вьетнам расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Ле Дик Ан Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, ҳукуматлараро ва банклараро бир неча ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Қисқа муддатли дам олишдан сўнг Ўзбекистон раҳбари Вьетнам ҳимояси учун жон фидо этган номаълум аскар қабрини зиёрат қилди. Вьетнам давлатининг атоқли арбобларидан бири Хо Ши Мин мақбараси пойига гулчамбар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Президент саройида ВСР Бош вазири Во Ван Кьет билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни Ислом Каримов Вьетнам Компартияси Марказий Қўмитаси Бош Котиби До Миой билан ҳам мулоқотда бўлди.

Вьетнам Президенти Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирди.

Ўзбекистон Президентининг ВСРга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

«ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан янги китоби шундай номланган. Китоб президентимизнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини, Ислом Каримовнинг Россия давлат Думаси Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга мактубини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири билан суҳбатини, шунингдек бошқа материалларни ўз ичига олган.

Президент номига келган телеграммалар, мактублар, фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари китобнинг катта қисмини ташкил этади. Уларда Россия давлат Думаси қабул қилган асоссиз қарор ва собиқ иттифоқни қайта тиклашга уриниш қораланади, давлатимиз бошлиғи ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат йўли маъқулланади, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланади.



Китоб Матбуот давлат қўмитасига қарашли Тошкент полиграфия комбинатида кўп нусхада босиб чиқарилди.

(ЎзА)

Республика Олий Мажлисида

ЎТИШ ДАВРИ КЎЗЛАНГАН МАНЗИЛГА ЭЛТАДИ

Ўтиш даврида иқтисодий ривожланишнинг тайёр андозаси йўқ. Зеро ҳар бир мамлакат изланиш, ўрганиш, қолаверса жаҳон миқёсидаги илғор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш асосида ўзига хос йўлини белгилаб олади ва кўзланган манзил сари ундан дадил илгарилаб боради.

Айни шу гап билан Жаҳон Банки Иқтисодий ривожланиш институти кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўтказилган «Иқтисодий бошқарув ва ислоҳотлар» мавзуидаги уч кунлик семинар иштирокчилари томонидан якдиллик билан таъкидланди.

Семинарнинг учинчи куни ўтиш даврида меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнат ресурслари, ижтимоий ҳимоя тизими, шу даврга хос сиёсий иқтисод, бир сўз билан айтганда ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатлари ҳақида атрофлича гаплашиб олинди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири О. Обидов, Словения меҳнат вазирининг ёрдамчиси М. Водопивек, Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси Г. Йўлдошева, Польша Парламентининг аъзоси Х. Горальска, Польша Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар маркази раисининг ўринбосари М. Давровски ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Семинарда ўтиш даврининг муаммоларини ҳал этиб, мақбул ечим топишда жаҳоннинг турли қитъаларидаги мамлакатларда бу борада олиб борилаётган изланишлар, бозор иқтисодиётига ўтишда ибратли йўл ва ижобий тажрибалар, муштарак муаммолар ҳақида атрофлича фикрлашиб олинди. Ўтиш даврининг ўзига хос усуллари, иқтисодни бошқариш ва ислоҳотлар ўтказишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида ўзаро тажриба алмашинилди.

Иқтидорли иқтисодчилар Жаҳон Банки Иқтисодий ривожланиш институти вакиллари Мариана Тодорова, Франциско Ферейра Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси Анвар Йўлдошев семинар раҳбарлари тариқасида ўзаро фикр алмашувларни якунлаб, халқаро иқтисодий ислоҳотлар тажрибасини бу хилда ўрганиш ва умумлаштириш жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган ҳамма давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун фойдали эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Семинар пировардида республика оммавий ахборот воситалари намояндалари ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет эллик журналистлар учун Олий Мажлис Раиси Э. Халилов иштирокида матбуот конференцияси бўлди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари Б. Бугров, Б. Шодиева, А. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Ҳ. Абдураимов қатнашдилар.

Шу билан семинар ўз ишини якунлади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТАХТАКЎПРИКДА ЯНГИ ГУЗАР

ЯНГИЙЎЛ. Баҳор айёми Наврўз тантаналарини кўтаринки рухда кутиб олган янгийўлликлар байрам шодиёналарини янги ишга тушган маданий-маиший биноларда, оромгоҳларда давом эттиришяпти.

Шундай, А. Ортиқов номли жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи ёшуқарининг хурсандчилиги чексиз бўлди. Бугунги кунда Тахтакўприк маҳалласидаги новвойхона, чойхона, қатор савдо расталарига эга бўлган янги гузар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Гузар хизматчилари кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга кўмаклашадиган яна бир нечта хизмат кўрсатиш шахобчаларини ишга тушириб юборишни мўлжаллаб турибдилар.

Ҳасан БАҲРОМОВ.

ЯНГИ НОВВОЙХОНАЛАР

ОЛМАЛИҚ маҳаллаларининг миллий анъаналар кўринишидаги гузарларини барпо этиш ишлари жадал бармоқда. Уларда шу минтақада истиқомат қилувчи аҳолига турли маиший ва бошқа пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ишга туширилянти.

Куни кеча шаҳардаги иккита маҳаллада новвойхоналар фойдаланишга топширилди. Наврўз байрами арафасида иш бошлаган бу корхоналар жамоалари ўзларининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқардилар. Улар қўлидан чиққан бўрсилдоқ нонлар истеъмолчиларга манзур бўлди. Ҳозирча бу новвойхоналарда бир-икки хил нон ёпилмоқда. Кейинчалик уларнинг тури яна кўпаяди.

Собир Маҳмудов.

КАРБИД ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ «Монтажсервис» хусусий корхонасининг ишлаб чиқариш бўлинмалари яна биттага кўпайди. Бу ерда қимматли бинокорлик материали — карбид тайёрлашга ихтисослашган цех ишга туширилди ва маҳсулот бера бошлади. Ҳозирча бир сменада бу маҳсулотдан юз килограмм чиқариляпти.

— Бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан олдин бозорнинг талабини ўргандик, — дейди хусусий корхонанинг бош директори Тўхтамурод Маликов. — Биргина Янгийўл шаҳри учун ҳар ойда тўрт тонна карбид керак бўлар экан. Шунинг учун бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи битта қурилмани ўрнатдик. Унга зарур бўлган материал ва хомашёлар маҳаллий корхоналардан олиняпти. Энди мижозлар кўпаймоқда. Шуни ҳисобга олиб, яна битта шундай қувватли қурилмани ўрнатишга тайёргарлик кўряпмиз.

Корхонада кейинчалик пайвандлаш электроди ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам режалаштирилган. Шу хусусда қатор ҳорижий фирмалар билан музокаралар олиб бориляпти.

М. ЖАЛОЛОВ.

СУРАТЛАРДА: бош муҳандис Айдер Солиев ва ишчи Нормуҳаммад Ортиқалиев карбид сифатини кўздан кечирмоқдалар; ишчи Равшан Ортиқов карбид пишириш печидаги жараённи кузатмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистон истиқболи — ўзига хос, ўзига мос

Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловежда СССРни тарқатиб юбориш тўғрисидаги ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисидаги қарори, Россия, Белорус, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг қандайдир бир «янгича» интеграция тузиш борасидаги «гоя»лари кейинги кунларда аҳолининг барча қатламлари орасида салбий хис-ҳаяжон уйғотмоқда. Кеча Москвада юқоридаги тўрт мамлакат раҳбарларининг ягона ахдномага имзо чекканликлари ҳам МДҲ таркибига кирган ўзга давлатлар фикри ва позициялари билан ҳисоблашмасликдан бошқа нарса бўлмади. Таҳририятимизга қўнғироқ қилишлар, мактубларнинг келиши давом этмоқда. Одамлар Россия Давлат Думаси ҳамда қандайдир янги иттифоқ тузишга уринаётган «сиёсатчилар»нинг қўйётган масъулиятсиз қадамларидан ўта норозилик изҳор этмоқдалар.

ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Президентимиз Ислом Каримовнинг МДҲ мамлакатларида интеграция жараёнининг ривожи ҳақидаги матбуотда эълон қилинган суҳбати, юртбошимизнинг унда баён қилган фикрларини Тошкент самолётсозлар жамғармаси ҳам тўла қўллаб-қувватламоқда. Суҳбатдаги гаплар соғлом фикрли ҳар бир инсон учун тушунарлидир. Масалан, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини олайлик: «Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо маъқул эмас». Шунингдек, интеграцияни ривожлантиришнинг бешта шарти ҳам аниқ, тушунарли ва лўнда ифода этилган.

Россия давлат думасининг Беловеж битимларини бекор қилиш, бошқача айтганда, умрини яшаб бўлган собиқ империяни қайта тиклаш тўғрисидаги, ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган қарорини МДҲ мамлакатлари, қолаверса бутун жаҳон аҳли ажабланиш билан қарши олди. Ўзбекистон ҳам уни биринчилардан бўлиб қатъий рад этди. Бироқ, бунга зид равишда давлатлардан юқори турувчи иттифоқ тузилмалари ташкил этиш учун айрим ҳаракатлар бўлмоқда. Қандайдир янги марказлашган мансабдорлар аппаратлари иқтисодий эркинликни адолатли тарзда таъминлай олмайди, уларнинг қўлидан фақат сиёсий муаммоларга мой пуркаш келади, холос. Бу орқага қайтишдан бошқа нарса эмас. Бундай ҳаракатлар ўз муаммоларини мустақил ҳал қила олмаслик оқибати, албатта.

Кучли мустақил давлат ҳеч қачон ўзини бунчалик ерга урмайди. Истиқлол — бизнинг ҳаёт-мамотимиз зеро унга осонлик билан эришганимиз йўқ.

Э. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ХАЛҚЛАР ТАҚДИРИ БИЛАН ЎЙНАШИБ БЎЛМАЙДИ

БАЪЗАН, туриб-туриб, ажабланасан, киши. Ўз фаолиятида кўпни кўрган, амалнинг турли босқичларини босиб ўтган, нуфузли деб аталмиш депутатлик курсисида ўтирган айрим кишиларнинг қалтабинлик билан иш кўришлари ҳар кимни ҳам таажжубга солади. Мен Россия Федерацияси Давлат думаси депутатларининг шу йил 15-мартда СССРни қайта тиклаш борасида қабул қилган қарори ва сўнгги кунларда обдон «ёғлаб» амалга оширмоқчи бўлинаётган МДҲ таркибига кирувчи айрим давлатлар бирлашиши тўғрисидаги васваларни назарда тутяпман. Ҳар иккала йўл ҳам боши берк кўчага олиб бормоқда.

Шахсан мен мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаросиман. Мен бу билан фахрланаман. Зеро, бутун умрим мана шу серқуёш ўлкада ўтди. Оллоҳга шукрки, шу ердан урушга кетиб, омон-эсон қадрдон Чирчиғимга, оилам, ёру-биродарларим оғушига қайтиб келдим. Кейинги кирқ йил давомида турли лавозимларда ишладим. Ҳамон сафдаман.

Бизнинг Чирчиқ шаҳримизда етмиш икки миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қиладилар. Мен уларнинг турмуш тарзини кўриб, ич-ичимдан севинаман. Зеро, улар бир ота-онанинг фарзандларига ўхшашади. 100 мингдан зиёд кишилар ўз она-шаҳарларини тобора обод ва кўркам қилиш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, моддий бойликлар яратиш борасида астойдил тер тўкиб, меҳнат қилмоқдалар. Кейинги йилларда шаҳримизга ташриф буюрган америкаликлар ҳам, инглизлар ҳам, немислар ҳам, италияликлар ҳам, қўйинг-чи, ҳорижий меҳмонларнинг ҳаммаси республикамиздаги байналмилал иноқликдан, тотувликдан, барқарор тинчликдан мамнун эканликларини айтмоқдалар.

Ана шундай пайтда мени бир савол қийнайди. Башарти, мен Ўзбекистон фуқароси эканман, нега бошқа давлатлардаги ўзларини «билимдон» деб ҳисоблаётган сиёсатчилар менинг фикрим билан ҳисоблашмайди?! Нима учун Ўзбекистонда яшаётган турли халқларнинг хоҳиш-иродасини назар-писанд қилишмайди?! Буни халқлар тақдири билан ўйнашиш, дейдилар. Азалдан маълумки, бундай зўравонлик, куч ишлатишлар яхши оқибатларга олиб келмаган. Олиб келмайди ҳам.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юқоридаги мақолалар бўйича берган баёнотларини ҳамда республикамиз Олий Мажлисининг бу борадаги қарорини сўзсиз маъқуллаймиз. Чирчиқда яшаётган 48 фоиз русийзабон кишиларнинг фикр-ўйлари ҳам менинг гапларимга уйғун, деб ўйлайман.

Рафиқам Ксения Прокофьевна билан Ўзбекистонда тотли ва бахтли ҳаёт кечирдик. Айни кунларда Касаба уюшмаси кўчаси, 20-уй, 7-хонадонда эл қатори хотиржам яшаб турибмиз. Оддий инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, менинг ва менга ўхшаган юзлаб, минглаб кишиларнинг хаётига ҳеч кимнинг раҳна солишга ҳаққи йўқ. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, тарих йилдирагини энди орқага айлантириб бўлмайди. Ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Бу турган гап!..

Владимир ШКОТОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.
Чирчиқ шаҳри.

ҚАРҒА ҚАҒ ЭТАР...

РОССИЯ Федерацияси Давлат думасининг шу йил 15 март куни қабул қилган — собиқ СССРни «тирилтириш» хусусидаги қарори биз олимларни ҳам ҳайрон қолдирди. Зеро, бу ғоянинг ўзига бефарқ қараб бўлмайди. Нима эмиш, ўша маҳалда СССРни тиклаш борасидаги қарорни ўша маҳалдаги СССР таркибига кирувчи барча халқлар маъқуллаган эмиш. Шу боис «халқлар иродасини» четлаб ўтиб бўлмас эмиш...

Тарихга мурожаат қилайлик. Чор Россияси — оқ империя, шўролар иттифоқи — қизил империя нима эканлигини собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар аҳолиси жуда яхши биларди. Зеро, ўша республикалар ягона марказдан бошқариладиган империянинг мустамлакаларига айланиб қолган эдилар. Мустабидлик сиёсати ўнлаб халқларнинг жонига теккан бўлса ҳам улар зулм асорати остида лом-мим деёлмас эдилар.

Миллатчилик — шовинизм туйғуларини қўмсаб қолган Россия федерацияси думаси депутатлари нечун бунчалар паст кетишди экан, деган фикр кишини таажжубландиради. Бошқалар хурлигини кўролмаслик шу даражага етиши керакми?!

Собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги алаҳсираш, балким, Россия президентлигига ўтказиладиган сайловлар олдидан бўлаётган бир сиёсий ўйиндир. Нима бўлганда ҳам айни кунларда собиқ республикаларнинг озод халқлари дума қарорига қатъиян норозилик билдирмоқдалар. Қарам халқларнинг эзгу орзулари рўёбга чиқиб, улар ўзларининг мустақил давлатларини тузиб олган бир пайтда тарих йилдирагини орқага қайтариш телбаликдан бошқа нарса эмас.

Яна бир гап. Эркинлик йўлига чиқиб олган, истиқбол сари одимлаётган халқларга менсимаслик назари билан қараш, шубҳасиз, яхшиликка олиб бормайди. Буни Россия Федерацияси Президентининг ўзи ҳам очиқ-ойдин тан олди.

Қарға қағ этади, ўз кўнглини чоғ этади, деган доно мақол бежиз айтилмаганга ўхшайди. Иймонимиз комилки, қарға қағилаганча қолаверади!..

Муроджон МИРЗАЕВ,
Тошкент Давлат аллия институти доценти,
тарих фанлари номзоди.

ВАҚТИДА ЭМЛАТИШ КЕРАК

ТОШКЕНТ вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги қатор муассасалар юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида ўтган йили анча самарали ишлар қилдилар. Бу тадбир 1996 йилда ҳам давом этмоқда. Хусусан, бўғма касаллигига қарши эмлашни ташкил этишда даволаш муассасалари бирмунча фаоллик кўрсатдилар.

Айни кунларда соғлиқни сақлаш ходимларининг диққат-эътибори юқумли ҳисобланган шол хасталиги-полиомиелитнинг олдини олишга қаратилган. Бу касалик туфайли асосан болалар ногирон, чўлоқ бўлиб қолишлари кўпчиликка маълум.

Тинимсиз олиб борилган тадбирлар туфайли икки йилдирки, вилоятда бу касаллик қайд этилмади. Эндиликда ана шу ютуқни мустаҳкамлаш мақсадида республика бўйича «Шолга қарши эмлаш кунлари» деб аталаётган ҳаракатга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, унинг тизимидаги муассасалар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Вилоятдаги шаҳар ва туманлар аҳолиси орасида 1996 йилнинг 11-12-13 апрель ва 11-12-13 май кунлари «шолга қарши эмлаш кунлари» деб белгиланганини нажоткорлар оммага кенг тушунтирмоқдалар, уни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу масалада вилоят санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, вилоят саломатлик маркази мутахассислари турли тавсияномалар ҳам тайёрладилар.

Г. НОРОВ,
шифокор-мутахассис.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси енгил автомобилларини ишлаб чиқаришга, сотишга ва уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этишга комплекс ёндашишни таъминлаш, фуқароларнинг уларни сотиб олишлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки,

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бошқаруви томонидан 1996 йил учун ишлаб чиқаришнинг бизнес-режаси ва жадвали тасдиқланган, заводнинг биринчи навбатини 1996 йил 25 мартда, иккинчи навбатини 1996 йил июлда ишга тушириш белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Асака» банки устав фондининг тўлови сифатида зарур маблағлар ўтказилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўлов муддати узайтирилган базис контракт бўйича «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси томонидан сотиб олинадиган материаллар ва бутловчи деталлар учун тўлов юзасидан 1996 йил 27 мартгача «ДЭУ» корпорациясига кафолат берсин.

3. «Ўзавтосаноат» уюшмасининг «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан биргаликда Асака заводида ишлаб чиқарилган енгил автомобилларга:

республика ҳудудида — «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси корхоналарининг минтақавий шохобчалари орқали;

экспорт учун — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси томонидан сервис хизмати кўрсатиш ва уларни сотиш шохобчаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Автомобилларни экспортга сотиш стратегиясини белгилаш ва прогнозини ишлаб чиқиш бўйича масъулият Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига юклансин.

4. «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси:

«ДЭУ» корпорацияси билан келишилган жадвалга биноан 140 кишини маркетинг ва автомобилларга сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш учун Корея Республикасига юборсинлар;

1996 йил 1 июлгача Тошкент, Андижон, Бухоро, Қарши, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида;

1996 йил 25 декабргача Нукус шаҳрида ва республиканинг қолган вилоятлари марказларида техник хизмат кўрсатиш станцияларини реконструкция қилишни тугаллассинлар.

«Асака» банки «ДЭУ» корпорацияси томонидан таклиф этилган сервис хизмати кўрсатиш станцияларини техника билан қайта жиҳозлаш Дастурини бир ой муддатда кўриб чиқсин ва 1996 йилда уни амалга ошириш учун кредит ресурслари ажратсин.

5. Бозор эҳтиёжларига мувофиқ автомобилларни ишлаб чиқариш, сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатишнинг янада мустаҳкам ўзаро боғлиқликда бўлишини таъминлаш мақсадида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси акционерлик сармоясида иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси эркин сотишга мўлжалланган улушни қайта тақсимлаш ҳисобига «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси корхоналари акциялари умумий пакетининг 35 фоизини «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига сотишни назарда тутсин.

6. «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмасига автомобилларни биринчи навбатда 100 фоизли тўловни бир йўла тўлаш шартлари бўйича сотиш тавсия этилсин.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кредитлар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар сотиб олиш чоғида Республика йўл жамғармасига бирйўла тўловдан озод қилинсинлар.

7. «Асака» банки бир ой муддатда Нукус шаҳрида ва республиканинг барча вилоятлари марказларида филиаллар очсин ҳамда уларнинг фаолият кўрсата бошлашини таъминласин, уларни «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмасининг техника хизмати кўрсатиш станциялари базасида жойлаштирсин.

«Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Асака» банки филиалларини жойлаштириш учун бир ҳафта муддатда жой ажратсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Асака» банкининг очилаётган филиалларини техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда, чет эл банклари билан корреспондентлик алоқалари ўрнатишда, унинг марказий аппаратини ва филиалларини малакали кадрлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

«Асака» банки таъсисчилари «Асака» банки устав фондини шакллантиришни бир ой муддатда тугалласинлар.

9. «Ўзавтосаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг расмий халқаро презентацияси дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

10. «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан биргаликда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш дастури учун буюртмалар портфелини ўз вақтида шакллантиришни таъминлайдиган фьючерс контрактлари асосида автомобиллар сотиш механизмини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар юзасидан таклифлар киритсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 ноябрдаги 424-сон қарори 8-бандининг иккинчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 март.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги қарорига ИЛОВА

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 7 ноябрдаги 424-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда «Асака» банки муассасалари томонидан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига имтиёзли кредитлар бериш асосларини белгилаб беради.

2. Автомобиллар сотиб олиш учун кредитлар «Асака» банки муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг доимий иш жойига ёки бошқа кафолатли даромад манбаларига эга бўлган ҳамда тўлиқ меҳнатга қобилиятли бўлган фуқароларига яшаш жойлари бўйича кредит шартномаси асосида етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кредитни қайтариш муддатига боғлиқ равишда кредит бўйича фоиз ставкаси билан берилади.

Кредит уч йилгача муддатда қайтарилган тақдирда фоиз ставкаси 4 фоиз йиллик фойда миқдорида, уч йилдан беш йилгача муддатда қайтарилганда — 5 фоиз йиллик фойда, беш йилдан етти йилгача муддатда қайтарилганда — 7 фоиз йиллик фойда миқдорида белгиланади. Кредит суммаси қарз олувчи томонидан сотиб олинадиган автомобиль нархининг 65 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Мулкни гаровга қўйиш, суғурта полисларини расмийлаштириш, сотиб олинаётган автомобилнинг ДАН органлари томонидан рўйхатдан ўтказилиши тегишли муассасалар ходимлари томонидан бевосита «Асака» банки филиалларида амалга оширилади.

«Асака» банки муассасаларида «Автоомонат» счётини юритиш ва кредит бериш

4. Қарз олувчи кредит олинишидан олдинги даврда доимий яшаш жойи бўйича «Асака» банкининг ҳудудий муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

олинадиган даромад ва ушлаб қолишлар миқдори кўрсатилган ҳолда доимий яшаш жойидан маълумотнома, шунингдек, қарз олувчининг бадаллари ҳар ойда «Асака» банкига ўтказилиши ҳақида кафолатли мажбурият;

қарз олувчи тўловга қодир бўлмай қолган тақдирда унинг қарзларини «Асака» банкига тўлаш тўғрисида топшириқ берувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган юридик шахснинг топшириғи;

гаровга қўйилган мулкнинг полис суғуртаси билан биргаликда нотариал идорада тасдиқланган мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаси (бунда гаровга қўйилган мулкнинг миқдори олинадиган кредит суммасининг камида 125 фоизини ташкил этиши керак);

қарз олувчи кредит бўйича қарзини тўлашгача вафот этиши эҳтимолига унинг суғурта полиси.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ва прописка тўғрисидаги белги қўйилган паспорт (ҳарбий хизматчининг ҳарбий билети ёки гувоҳномаси) тақдим этилгандан кейин «Асака» банки муассасаси томонидан қарз олувчига «Автоомонат» счёти очилади, унга автомобиль нархининг камида 35 фоизи қўйилади.

5. «Автоомонат» счётлари бўйича йўқлаб олинадиган омонатлар бўйича белгиланган ставкага кўра фоизлар ҳисобланади. Кредит олингунга қадар «Автоомонат» счётига ўтказилган фоизлар жамғариш суммасига қўшилади.

6. Омонатчи ҳисобланган фоизларни олгач, «Автоомонат» счётини ёпишга ҳақли бўлади. Счётдан маблағларни қисман беришга йўл қўйилмайди.

7. Омонатчи вафот этган тақдирда «Автоомонат» счёти бўйича ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган меросхўрга қайта расмийлаштирилиши ёки омонат суммаси меросхўрларга тўланиши мумкин. Бунда омонатнинг меросхўри прописка қилинган паспортни (ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматчи гувоҳномасини) ҳамда белгиланган шаклдаги мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиши шарт.

8. «Автоомонат» счётида автомобиль қийматининг камида 35 фоизи мавжуд бўлган тақдирда «Асака» банки муассасаси харидорга (қарз олувчига) автомобиль нархи билан «Автоомонат» счётига қўйилган омонат миқдори ўртасидаги фарқ суммасига тенг кредит беради.

9. Кредит шартномаси қуйидаги шартлар мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда икки нусхада тузилади:

кредит суммаси;

кредит бериладиган муддат;

кредит учун фоиз ставкаси, фоизларни ҳисоблаш тартиби;

асосий қарзни ва у бўйича фоизларни узиш ҳисобига тўловлар жадвали;

томонлар шартнома шартларини бажармаганликлари учун жарима санкциялари;

муддати ўтказиб юборилган қарзларни ҳисоблаб чиқиш ва ундириш тартиби.

10. Кредит шартномаси тузилгандан кейин операциялар ўтказиладиган икки кун ичида автомобиль нархи миқдоридаги маблағ «Асака» банки томонидан Сотувчи — «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси счётига ўтказилади, «Автоомонат» счёти ёпилади. Кредит бериш бўйича операциялар алоҳида ссуда счётидан кредит суммасига ўтказилади, кейинчалик унга қарз олувчининг кредитни тўлашга йўналтириладиган маблағлари ўтказилади.

Автомобиль харид қилиш юзасидан шартнома тузиш

11. Харидор «Автоомонат» счётида автомобиль нархининг камида 35 фоизи миқдорида маблағ мавжудлиги тўғрисида «Асака» банки муассасасининг маълумотномасини ва кредит шартномаси нусхасини тақдим этиб, Сотувчи — «Ўзавтотеххизмат» акционерлик бирлашмаси билан шартнома (кейинги ўринларда «Олди-сотди шартномаси» деб аталади) тузади. Шартнома Харидорга шартнома тузилган пайтдан бошлаб муайян муддатда, бу муддат бир ойдан ошмаслиги керак, автомобилни белгиланган нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Башарти Олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар автомобилнинг нархи «Автоомонат» счётида маблағ мавжудлиги тўғрисида «Асака» банкининг маълумотномаси олинган пайтдагидан юқори бўлса, автомобиль янги нархининг 35 фоизига етмаётган тегишли сумма Харидор томонидан унинг «Асака» банки муассасасидаги «Автоомонат» счётига ўтказилади.

12. «Автоомонат» счёти эгаси (Харидор) билан Сотувчи ўртасида тузиладиган Олди-сотди шартномасида:

Сотувчининг муайян маркадаги автомобилни муайян муддат ичида етказиб бериш тўғрисидаги мажбурияти;

томонларнинг Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарлиги белгиланиши керак.

Автомобилни етказиб бериш ва кредит бўйича қарзни тўлаш

13. Олди-сотди шартномасида белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин Сотувчи қарз олувчига автомобилни етказиб бермаган тақдирда, Харидор Олди-сотди шартномаси қоидаларига мувофиқ Сотувчидан автомобиль етказиб берилмаганлиги тўғрисида унга етказилган зарар ундирилишини талаб қилиши мумкин.

«Асака» банки Сотувчи томонидан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган автомобилларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кредит ҳисобига ўз вақтида сотилишини назорат қилади.

Сотувчи Олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда Харидорга автомобилни етказиб бермаган тақдирда, банк жазо санкциясини қўллашга — кечиктирилган ҳар бир кун учун автомобиль нархининг 0,04 фоизи миқдорида пеня ундиришга ҳақлидир. Ўтказилган пеня суммаси Харидорнинг қарз мажбуриятини тўлашга йўналтирилади.

14. Қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича мажбурият тўлиқ тўлангунга қадар «Асака» банки муассасаси кредити ҳисобига сотиб олинган автомобилни сотиш ёки бошқача тарзда бировга бериш тақиқланади.

15. Қарз олувчи автомобилни сотиб олганидан кейин 5 кун муддат ичида автомобилни ДАН органларидан рўйхатдан ўтказишга, айни вақтда транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисини тўлашга ва олишга мажбурдир.

Кредит ҳисобига сотиб олинган автомобиль техник паспортда унинг кредит ҳисобига сотиб олинганлиги тўғрисида албатта белги қўйилган ҳолда ДАН органларида рўйхатдан ўтказилади. Белги автодўконнинг маълумотномаси ҳисобига кредитга сотиб олинганлиги ҳақидаги белги асосида қўйилади ва автомобиль эгаси томонидан «Асака» банки муассасаси берган кредит бўйича қарзлар тўланганлиги ҳақидаги маълумотнома тақдим этилгандан кейин бекор қилинади. Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида яшаш жойини ўзгартирган тақдирда ДАН органлари томонидан автомашинани ҳисобдан чиқариш кредит берган «Асака» банки муассасасининг рухсати билан амалга оширилади.

16. Асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлаш қарз олувчи томонидан ҳар ойда амалга оширилади. Қарз олувчи асосий қарзни узиш ҳисобига муддатидан илгари тўловлар тўлашга ҳақлидир.

17. Қарз олувчи асосий қарзни ва у бўйича фоизларни ўз вақтида тўламаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган қарзга кредит шартномасига мувофиқ пеня ҳисобланади.

18. Кредит бўйича қарзларни узиш қарз олувчи томонидан банк муассасалари орқали нақд пул билан, «Асака» банки муассасаси ва алоқа корхонаси орқали пул ўтказиш йўли билан, ёхуд счётлардан пул ўтказиш орқали, шунингдек, иш жойи бўйича бухгалтерияга ёки пенсия тайинлаган органга унинг топшириғи асосида иш ҳақидан, пенсиялардан ушлаб қолиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини узгунга қадар доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетган тақдирда асосий қарз ва муддати ўтказиб юборилган қарз ҳисобланган фоизлар тўланган ҳолда муддатидан илгари тўланиши керак. Бунда асосий қарз ва унинг бўйича фоизлар тўлангунга қадар автомобилни четга олиб чиқиб кетиш ёки бошқа шахсларнинг ундан ишончномага кўра фойдаланишлари тақиқланади.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кредит бериш тартибига ИЛОВА

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН АВТОМОБИЛЛАРНИ ИЧКИ БОЗОРДА СОТИШ СХЕМАСИ

1. Сотувчи — «Ўзавтотеххизмат» ва «Асака» банки ўртасида кредит шартномаси тузиш.

2. «Асака» банкининг «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси фойдасига автомобилнинг завод нархининг 100 фоизи миқдорида аккредитив очиши.

3. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг автомобилларни сотувчига — «Ўзавтотеххизмат»га жўнатиши.

4. Харидорнинг автомобиль чакана нархи қийматининг камида 35 фоизини «Асака» банкининг минтақа бўлинмасидаги «Автоомонат» счётига қўйиши, шунингдек, «Асака» банки минтақа бўлинмаси билан харидор ўртасида белгиланган тартибда чакана нарх бўйича автомобиль нархининг 65 фоизидан кўп бўлмаган суммага кредит шартномаси расмийлаштирилиши.

5. Сотувчи («Ўзавтотеххизмат») билан харидор ўртасида автомобилнинг олди-сотди шартномаси тузилиши.

6. Сотувчининг автомобилни харидорга бериши.

7. Харидорнинг кредитни «Асака» банки минтақа бўлинмасига тўлаши.

Наврўз

ҲАВАС ҚИЛГУДЕК ЎЗГАРИШЛАР БОР

ҲАР сафар кексалар дуоларини эшитсам, бундан бир неча йиллар аввал нуроний онахон — Рисолат ая билан шифохонада бўлган мулоқотимиз хотирамда қайта жонланади. Бу ёлғиз қарияни Наврўз айёмида тўрт-беш нафар бўлиб йўқлаб кирган эдик. У ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирдик. Кўнгил сўраб, байрам билан қутладик.

Сизларни кўриб бошим осмонга етди, ўғилларим, дармонимга дармон қўшилди. Эрта индин отдек бўлиб кетаман, айланайлар, деб беҳад севиндилар. Узоқ дуо қилдилар. Мамнунлик туйғусидан чеҳралари нурланган, кўзларида эса севинч ёши ҳалқаланарди. Ая бизни ширин сўзлари, сермазмун ўгитлари билан ром этиб қўйгандилар. Шу куни биз яна бир қатор беморлар, бетоблиги туфайли уйларида ётиб қолган кексалар ҳолидан хабар олдик. Ночор оилалар ҳонадонларида ҳам бўлдик. Азалдан туманимизда қариялар, касалхоналарда ётган кексаларни байрамлар билан қутлаш одат тусига кириб қолган... Орадан бир неча йиллар ўтди. Мен бу воқеани бежиз ёдга олганим йўқ. Яқинда онахонни кўриб қолдим. Соғайиб кетибдилар. Яна самимий сўрашдик.

— Болам, бир вақтлари корхолимга ярар деб, пенсиямдан кассага пул қўйган эдим. Шу қуйиб кетди деган гаплар пайдо бўлганда анча ташвишланиб юрдим. Президентимизга раҳмат, пул оладиган бўлибмиз, мана тўрт минг сўмдан ортиқроқ бўлиб қолибди. Янги дафтарча беришди, — деб хурсандчиликларини изҳор қилдилар.

Аянинг шодликларини кўриб мен ҳам севиндим. Дарҳақиқат, толеи кулган халқмиз. Мустақилликка эришгач, Республикамизда кам таъминланганлар, пенсионерлар, кўп болалилар, етим-есирларни қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қанчадан-қанча фармонлар, қарорлар қабул қилинмади, дейсиз. Узоққа бормайлик, шу йилнинг ўзида Президентимизнинг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғурта бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги, шунингдек; «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимиз аҳлига кўрсатилган яна бир ғамхўрлик, меҳрибонлик тимсоли бўлди. Бундай меҳр-мурувватни биз ҳар қадамда ҳис этяпмиз. Хусусан,бутун республикамизда шоду-хуррамлик билан ўтган Наврўз арафасидаги Республика Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорларида ҳам бу масалалар яққол ўз ифодасини топди. Ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, саҳоватпешалик, жойларда тантаналарни уюшқоқлик билан ташкил этиш, халқ орасидаги истеъдодларни кашф этиш, ҳудудларда саранжом-саришталикни таъминлаш, миллий-маданий марказларнинг қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш каби режаларни қамраб олган бу ҳужжатлар ҳамиша диққат марказимизда бўлди.

Барча жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича ўтказилган ҳафталикларда эътиборга лойиқ ишлар қилинди. Бу тадбирларга туман ҳокимлигидан тайинланган масъул ходимлар бош-қош бўлдилар. Байрам шарафига туманимиз ва унинг маркази Тўйтепа шаҳрида 17 та янги қурилиш фойдаланишга топширилди. Шарқона усулда қад кўтарган дўконлар, бекатлар, очиқ савдо расталари ҳудудимиз чиройига чирой қўшди.

Маълумки, туманимизда тадбиркорлик йилдан-йилга ривож топмоқда. Ҳозир бу ерда кўплаб кичик, кўшма корхоналар, цехлар фаолият кўрсатяпти. Байрам арафасида «Северний маяк», Оҳунбобоев номли жамоа хўжаликларида кичик корхоналар очилиб, янги ишчи ўринлари барпо этилди. Эндиликда Ўртачирчиқда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар сони 380 кишидан ошиб кетди. 60 та деҳқон фермер хўжаликлари ёнига яна яқинда 6 таси қўшилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар 9 тага етди. Биргина хусусий корхоналар бўйича ўтган йили 48 миллион сўмлик иш бажарилди. 1700 кишини ташкил қилувчи якка тартибда меҳнат қилувчилар 2,5 миллион сўмлик даромад келтирдилар.

Байрамга тайёргарлик жараёнида биз алоҳида эътибор берган муаммолардан бири — ҳар бир хўжаликда, ҳар бир маҳаллада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш масаласи бўлди. Бунга маълум даражада эришдик. Сартарошхоналар, пойафзал устахоналари, кийим-кечакни кимёвий йўл билан тозалаш шахобчалари сони кўпайди, «Янги тўлқин» жамоа хўжалигида маиший хизмат маркази очилди. У мижозларга саккиз хил касб бўйича хизмат кўрсатмоқда. «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида маиший хизмат тармоқлари таъмирланди ва гузар барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Юртбошимизнинг Республикада футболни, умуман спортни ривожлантириш тўғрисидаги фармонидан сўнг туманда бу соҳа бўйича ҳам самарали тадбирлар амалга оширилди. Тўла таъмирланиб, «янги либос» кийган ораста, барча қулайликларга эга бўлган Олим Аширов номли Тўйтепа ўйингоҳи байрам куни тантана иштирокчиларига қайта бағрини очди. Бу ерда катта сайл, турли спорт мусобақалари, таниқли санъаткорлар, ҳаваскорлар иштирокидаги концертлар, бадиий чиқишлардан сўнг меҳнат илғорларини шарафлаш маросими ўтказилди.

Туманимиз аҳли айёмни маънавият соҳасида ҳам муносиб натижалар билан нишонлади. Наврўз олдидан маҳалларда ўтган «Энг озода, энг обод маҳалла», «Маҳалла — қадриятларни, тиклаш маскани», «Маҳаллага келин тушди», «Ота-онангни бошга кўтар, эй фарзанд», «Қариси бор уйнинг, файзи бор» каби давра суҳбатлари, мулоқотлар бўлиб ўтди. Ўртачирчиқликлар республикамизда уюштирилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловида ҳам фаол иштирок этдилар. Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган «Сиз хонадонимиз чиройи, жамиятимиз кўрки» даврасида ҳар йилгидан кўп оналар, опа-сингиллар иштирок этдилар. Файзли дастурхон устида ўтказилган бу тадбир, ўзига хос катта тантанага айланиб кетди. Ана шу даврада хотин-қизлардан 350 нафар меҳнат илғорлари пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Шуни айтиш керакки, «Янги кун» маъносини берувчи Наврўзимиз уйқудан уйғонган далаларга миришкор деҳқонларни чорловчи айём ҳам бўлди. Барча хўжаликларда техника экишга шай қилиб, уруғликлар ҳозирлаб қўйилди. Боғларни тартибга келтириш ишлари бажарилди. Янги мевазорлар барпо этиш учун тараддуд кўрилди. Бир қатор хўжаликларда дала юмушлари бошлаб юборилди. Иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотлар шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлик, гўзаллик, қадриятлар ва меҳнат байрами, шубҳасиз, ҳамма ерда умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди. Табиатнинг тиниқ табассумлари одамлар чеҳрасида жилоланди.

Алихўжа МАҲМУДОВ,
Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини.



Дардига даво топган беморнинг бир оғиз «раҳмат» деган сўзи шифокор учун олам-олам қувонч бағишлайди. Оққўрғон туманининг марказий касалхонаси кўз хасталиклари дўхтири Руломжон Юсупов бундай миннатдорчиликларга кўп бора сазовор бўлган, шу боис у ўз жамоасида ҳурмат ва эътибор қозонди.
Суратда: Ғ. Юсупов беморни кўряпти.

Ҳ. АВВАЛОВ олган сурат.

ТОШКЕНТДА ИККИНЧИ МАРТА

ЎЗБЕКИСТОН Соғлиқни сақлаш вазирлигида «Соғлиқни сақлаш-96» халқаро кургазмасининг очилишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Етакчи газеталар, радио мухбирлари ва бошқа матбуот нашрлари вакиллари таклиф этилган бу йиғилишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Т. Султонов, вазир ўринбосари Б. Ў. Йўлдошев, «Тибмахсулот» фирмасининг президенти С. Ахроров ва республика «Дори-дармон» давлат-ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Х. Рахматуллаевлар сўзга чиқиб, республикада бу сохада олиб борилаётган янгиликлар билан оммавий ахборот вакилларини таништирдилар.

— Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита ёрдами ва «Тибмахсулот» фирмаси ҳамда «АЙ-ТИ-И» (Буюк Британия) халқаро савдо ва кўргазмаларни уюштириш компанияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма шу йилнинг 1 апрелидан 4 апрелигача Тошкент «Ўзэкспомаркази»нинг кўркам павильонларида бўлиб ўтади, — деди вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Т. Султонов, — ушбу кўргазмада жаҳоннинг 22 мамлакатидан 100 дан зиёд фирмалар қатнашиши кутилмоқда. Булар орасида Австрия, Чехия, Дания, Финландия, Франция, Хиндистон, Олмония, Италия, Швейцария каби, тиббиёт соҳасида анча илгарилаб кетган кўплаб мамлакатларни санаб ўтиш мумкин. Биз кўргазмани барча аҳоли, жумладан, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг, албатта, келиб кўришларини истар эдик.

Бир нарсани айтиб ўтишим лозим, кўргазма жойлашадиган павильонлар ўрнининг нархи баланд бўлишига қарамай, биронта ҳам иштирокчи мамлакат кўргазмада қатнашишдан воз кечмади. Бу ҳам бўлса уларнинг Ўзбекистон бозорига нақадар қизиқиб қараётганидан дарак беради.

— Бизнинг иштирокимизда республикада хорижий фирмалар билан қўшма ўндан ортиқ тиббий буюмлар, дори-дармонлар тайёрловчи корхоналар ташкил қилинган. Бир марта ишлатиладиган шприц-

«Соғлиқни сақлаш-96» халқаро кўргазмасининг очилишига бағишланган матбуот конференцияси

лар чиқарувчи Тошкентдаги «Медиз» корхонаси (қуввати йилига 100 миллион дона)ни мисол қилиб келтириш мумкин. Марказий Осиёда ҳали бу даражадаги корхона барпо бўлмаган. Ҳозирги кунда корхонада бир марта ишлатиладиган системалар (йилига 10 миллион дона) тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, жаррохлик, тикиш материали-нетгулар ишлаб чиқарадиган корхона ҳам бунёд этилмоқда. Хорижий сармоя ёрдамида Ўзбекистонда дори-дармонлар, инфузион эритмалар, тиббий ускуналар ва буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қуриш режалаштирилмоқда.

Бир йил муддатдан тиббий техника ва фармацевтика саноатининг Тошкентда биринчи кўргазмаси ўтказилган эди, уни ташкил қилишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга машҳур «АЙ-ТИ-И» (Буюк Британия) халқаро компанияси ҳам қатнашган. Тиббий техника ва дори-дармонлар етказиб бериш тўғрисида ўнлаб ўзаро манфаатли шартномаларга, ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битимларга имзо чекилган эди. Бу сафарги кўргазма ҳам илгаригидек янада муваффақиятли ва самарали ўтишига шубҳа йўқ.

— Бугунга келиб республикада 2478 та хусусий дорихоналар, фармацевтика фирмалари ва кичик корхоналар ишлаб турибди. 239 та очиқ турдаги ҳиссадорлик фармацевтика жамиятлари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги аллақачон ўз акцияларини чиқаришган, — деди ўз сўзида республика «Дори-дармон» давлат-ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Х. Рахматуллаев,— МДҲ ва узоқ хориждаги фармацевтика фирмалари билан амалий муносабатлар яхши йўлга қўйилган.

Давлат буюртмаси йўли билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган икки минг номдаги дори-дармон воситалари бир неча йилдан бери сотиб олинмоқда. Уларнинг 415 таси энг зарурлари ҳисобланади. Булар ВОЗ тавсия этган ҳаётий зарур препаратлар рўйхатидан икки баравар кўпдир.

Матбуот конференциясида соғлиқни сақлаш соҳасига оид берилган саволларга мутасадди раҳбарлар жавоб қайтаришди. Бир сўз билан айтганда, бўлажак халқаро кўргазма ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайишига, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими янгидан янги тиббий ускуналар ва дори-дармон билан бойишига умид уйғотади.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Кейинги кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари Россия Федерацияси Давлат думасининг Беловеж қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, МДҲ таркибига кирувчи айрим давлатларнинг қандайдир бир ўзга шаклдаги иттифоқ тузишга уринишлари, Россия ҳамда Америка Қўшма Штатларидаги президент сайловлари, Чеченистонда ҳамда Босния ва Херцеговина минтақасида тинчлик ўрнатиш, ядровий қуроллари синашни дунё миқёсида батамом таъқиқлаш сингари воқеаларга асосий эътиборни қаратди. Айниқса, Россия Давлат думасининг собиқ Иттифоқни қайта тиклаш, Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида «янгича» интеграция ниқоби остида «Евросиё» иттифоқи тузишга тааллуқли гап-сўзлар хорижда ҳам, МДҲ давлатларида ҳам катта ташвиш уйғотди.

ВАКОЛАТСИЗ ҚАРОРНИНГ САЛБИЙ САДОСИ

Ҳа, Россия Давлат думаси 15 мартда 1991 йилда қабул қилинган Беловеж учрашуви қарорларини, яъни СССРни тарқатиб юбориш тўғрисидаги ҳужжатларни бекор қилиш борасида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарори чиндан ҳам хорижий давлатларда, шунингдек, МДҲ таркибига кирувчи мамлакатларда катта шов-шувга сабаб бўлди. АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер яқинда Оврупо мамлакатларида, Яқин Шарқ, Россия ва Украинага қилган сафарларида Россия Давлат думаси қарори ҳамда бошқа иттифоқлар тузиш тўғрисидаги масалаларга муносабат билдириб, уларни кескин қоралади. У. Кристофер, жумладан, Украина президенти ҳамда ташқи ишлар вазири билан учрашувларида, матбуот ходимлари билан қилган мулоқотларида юқоридаги ҳатти-ҳаракатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ҳамда бошқа нуфузли мажмаларнинг ҳужжатларига мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлади. «Россия думасида, — деди У. Кристофер Украинада журналистлари билан бўлган учрашувда, — собиқ Совет Иттифоқини қайта тиклаш бўйича ўтказилган овоз беришлар олий даражадаги масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Украина ва бошқа давлатлар мустақил ва суверен мамлакатлардир. Улар мақомини ўзгартириш жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз рад этилиши лозим».

Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ташкил топган мустақил давлатлар раҳбарлари - жумладан, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар бошлиқлари ҳам бу ишдан таажжубга тушганликларини айтдилар. Улар Россия Давлат думаси қарорига ўзларининг мустақиллигига қилинаётган тажовуз деб баҳо бердилар.

МДҲ таркибига кирувчи Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги битим доирасида ҳам ҳар хил миш-мишлар кўпайиб кетди. Бу бирлашишнинг ташаббускорларидан бири бўлган Беларусь президенти А. Лукашенко ўз мамлакати парламентида сўзга чиқиб, «Биз янги давлат тузаётганимиз йўқ, балки, икки давлат иттифоқини шакллантиряпмиз», — деди. Шунингдек, у бир неча кундан сўнг яъни 2 апрелда ҳар икки давлат ўртасида олий даражадаги шартномага имзо чекилади, деб ишонч билдирди. Беларусь президенти шундай деб турган бир пайтда мазкур республикадаги муҳолиф партия ҳамда ҳаракатларнинг вакиллари А. Лукашенко фикрига қарши чиқиб, қатъий норозилик изҳор этдилар. Норозилик намойишлари бошқа республикаларда, хусусан, Украинанинг қатор шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Шу нарса маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, энди тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтаётган жамоатчилик вакилларининг йиғилишлари, олимлар анжуманлари, оддий кишиларнинг йиғинларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари республика Президенти Ислом Каримовнинг позициясини тўлиқ қўллаб-қувватлаяжакларини изҳор этмоқдалар. Чунки, Ўзбекистон Президенти республика Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида куч ишлатиш, зўравонлик билан тузиладиган иттифоқлар алалоқибат яхшиликка олиб келмаслигини тўлиқ асослаб берди.

КИМ ОЛДИНДА, КИМ ОРТДА?

Россия президентлигига шу йил 16 июнда бўладиган сайловлар атрофидаги пойга айни кунларда қизигандан-қизиб бормоқда. Ҳозиргача 80 га яқин кишиларнинг номи президентликка номзод сифатида тилга олинди. Улар орасида Россиянинг ҳозирги президенти Б. Н. Ельцин, собиқ СССРнинг собиқ президенти М. С. Горбачев, Россия коммунистларининг раҳномаси Г. Зюганов, генерал А. Лебедь, машҳур кўз табиби С. Федеров, «Яблоко» ҳаракатининг раҳбари Г. Явлинскийлардан тортиб, темирйўл ишчиси, тадбиркор, дин ходимларигача — турли тоифа ва касбдаги кишилар бор. Кимни қараманг, президент бўлиш орзусида!..

Кўпчилик номзодлар тўдаси ичида ким олдинда бормоқда?

Айтиш мумкинки, ҳозирча Б. Ельцин, Г. Зюганов кабиларнинг «ошиғи олчи» бўлиб турибди. Сиёсий шарҳчилар ва жамоатчилик фикрини ўрганувчиларнинг айтишларига қараганда, май ойи охирларига бориб мана шу икки номзод ўртасида асосий кураш бўлади. Кимнинг ютиб чиқишини ҳеч ким ҳозирча айтиб бера олмайди.

АҚШдаги президентликка сайловлар ҳам ўзига хос. У ерда демократлар партиясининг якка номзоди — Б. Клинтон ҳозирча кемани бемалол бошқармоқда. Республикачилар партиясидан эса бошда бир неча киши ўз номзодини қўйган эди. Лекин, кейинги кунларда сенатор Б. Доул бошқалардан анча илгарилаб кетди. Номзодлар пойгасида гоҳ ўзиб, гоҳ ортда қолаётган П. Бьюкенен ҳам тинчиқиб қолди. Иллинойс, Мичиган, Огайо, Висконсин каби штатлардаги дастлабки сайловларда Б. Доул ўз рақибига қараганда анча кўп овоз олишга муваффақ бўлди. М. Форбс, Ф. Грэмм каби миллионерлар ҳозиргача сайловолди тадбирларида 20-30 миллионлаб долларнинг бошига «сув қуйдилар». Кўринишдан президент бўлиш учун фақат миллионларнинг кўплиги кор қилмайдиганга ўхшаб қолди.

Сайлов бўладиган кун — 5 ноябргача ҳали анча муддат бор. Демак, яна жуда кўп миллион-миллион долларларнинг «қули кўкка совурилади». Шулар эвазига бирон-бир натижага эришса яхши, акс ҳолда номзодларнинг бармоқ тишлаб қолишларидан бошқа иложи бўлмайди.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● Исроил пойтахти Тель-Авив шаҳрида ўтган йил 4 ноябрда мамлакат бош вазири Ицхак Рабинни отиб ўлдирган қотил - Игал Амир устидан ўтказилаётган суд ниҳоясига етди. У бош вазирни қасддан ўлдиришда ҳамда унинг шахсий соқчисини оғир жароҳатлантиришда айбдор деб топилди. Суд жиноятчини умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.

● Би-Би-Си радиоси хабар беради: номаълум бўлиб қолишни истаган Россия Бош штаби ходимининг айтишига қараганда, Чеченистондаги ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар шу йил 31 мартдан сўнг тўхтатилади. У ерда федерал кучларнинг иккита бригадаси қолади. Чеченистон ҳудудидан чиқарилаётган ҳарбий кучлар Доғистон ва Ингушистон минтақаларига ўтказилади.

● Мексика ва Перу президентлари АҚШда қабул қилинган Хельмс-Бертон қонунини қоралядилар. Улар биргаликда берган баёнотларида Вашингтоннинг бундай ҳатти-ҳаракатлари БМТ низомига ҳамда халқаро ҳуқуқ меёрларига мутлақо хилофдир, деб айтдилар.

● АҚШнинг самолётлари яна Кубанинг ҳаво чегарасини бузиб ўтдилар. Бу ҳақда Куба Ташқи ишлар вазири Роберто Робайна хабар берди. АҚШ икки самолётининг бундай ҳатти-ҳаракатлари Кариб денгизи ҳудудида яна қалтис вазиятни вужудга келтирди.

● Белоруснинг Беловеж ўрмони яқинида Суходол деган қишлоқ бор. У ерда яқинда антиқа бир ҳодиса рўй берди. Кута-кута тоқатлари тоқ бўлган қишлоқ қариялари, ниҳоят, қўлларига теккан пенсия пулларига ароқ сотиб олдилар ва «базми жамшид» қилишга киришдилар. Бир маҳал кампирлардан бири столнинг тагига думалаб тушди. Унинг эри — қария кампирнинг қазо қилганлиги ҳақида бутун қишлоққа хабар берди. Маҳаллий жамоа хўжалигидан тобут ясатишда ёрдам сўради.

Кампирни ювиб-тараб, тобутга ётқизганларида у бирдан кўзини очиб, ирғиб турди. Йиғилганлар ваҳимадан ёқа ушлашиб, ўзларидан кетиб қолишига сал қолди.

(Жаҳон ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди).

ИСРОИЛ. Галилеядаги дўкон олдида.
Б. КАРМИ олган сурат.

ОДИЛ СЎЗНИНГ ОЧИҒИ ЯХШИ

(Тирқишдан зимчавой қилган номаълум аспирантга жавоб)

БИРОДАРИМИЗ, Амин! Сизнинг газетамизнинг шу йил 13 март сонида «Муносабат» рукни билан Ўзбекистон телекўрсатувлари орқали берилаётган айрим эшиттиришлар, хусусан, Москов кўрсатувлари ҳақида мулоҳаза тарзида берилган «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми?» сарлавҳали мақоламиз юзасидан ёзган хатингизни олдим ва қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Аввало, сиз айтгандек, ҳар бир онгли, эс-хушли одам, у ёки бу мавзуда ўз шахсий фикрини билдириши мумкин. Бунинг учун мутахассис бўлиш унчалик шарт эмас, деб ўйлаймиз. Ахир, сиз ҳам ўз дунёқарашингиз доирасида шахсий фикрларингизни изҳор қилгансиз-да! Шунинг учун ҳам сиздан асло ҳафа эмасман.

Лекин, агар сир бўлмаса, айтинг. Сиз ўзингиз кимсиз? Дилингизда дардларингиз шунчалик бор экан, нима сабабдан фамилиянгизни, қайси институтнинг аспиранти эканлигингизни яширдингиз?! Ахир халқимизда одил сўзнинг очиғи яхши, деган нақл бор-ку! Шу ҳақда ўйларканман, сизнинг ҳақиқатан ҳам аспирантлигингиз, номингизнинг эса Амин эканлигига амин бўлмай турибман. Сабабки, бошданоқ ўз фикрингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз... Мана, қаранг: «...ўзининг фикрини бошқаларга тарғиб қилиш мени нафақат ажаблантиради, балки, даҳшатга солади» дейсиз. Унинг кетиданоқ: «Тўғри, ҳар ким ўз фикри ва дунёқарашига эга бўлиши табиий ва бунга ҳеч кимнинг тажовуз қилишга ҳаққи йўқ» деб олдинги фикрингизни инкор қиласиз.

Ҳа, майли, беайб Яратганнинг ўзи дейдилар-ку!

Лекин, масала бошқа ёқда. Агар сиз мақолани диққат билан ўқиб чиққан бўлсангиз, мен у ёки бу эшиттиришларни таъқиқлаб қўйиш ёхуд эфирдан олиб ташлаш керак, деб асло қатъиян гап айтаётганим йўқ эди. Аксинча, илоҳи бўлса, шарқона, ўзбекона ахлоқ-одобимизга, мафкурамизга ёт эшиттиришлар кўрсатилмагани маъқул деган фикрни олға сурган эдим. Шунинг учун ҳам икки томонлама фикрлашиб, маслаҳатлашиб, эшиттиришларни танлаб, саралаб эфирга узатиш ҳақида ўйлаб кўриш керак, демоқчи бўлгандим. Айтайлик, сиз мўмин-мусулмонсиз. Ойнаи жаҳон олдида ўғил-қизларингиз, келинларингиз, набираларингиз билан давра қуриб ўтирганингизда бирданига фаҳш ҳатти-ҳаракатлари устивор бўлган кўрсатув бериб қолинди. Албатта, сиз ноқулай аҳволга тушиб қолсангиз керак?

•Оиладаги тарбия соғлом ва жамият ҳақларварлик асосида мустаҳкам турса ҳар қандай тарғибот ҳам кишини йўлдан оздирмайди», деб ёзибсиз-ку ўзингиз. Мен ҳам бу фикрингизга қўшиламан. Лекин, ана шу тарғибот замини бўш, «қум» устига қурилган бўлса ва бу ҳам етмагандек, қайта-қайта қулоқларга қуйилаверса, бора-бора салбий таъсир кўрсатмайдими ёки тарбияга путур етказмайдими?!

Ўзимизнинг телекўрсатувларимизнинг кўпчилигини «саёз ва бачкана»га чиқариб қўйиш ҳам менимча инсофдан эмас. Шу маънода берган маслаҳатларингиз учун раҳмат. Худога шукр, мен ва менинг оилам ойнаи жаҳондаги кўрсатувларнинг қай бирини, қачон ва қай маҳалда кўришни яхши билади.

Эҳтимол, менинг бу гапларим сизга хуш келмас... Нима ҳам дердик, бу сизнинг шахсий ишингиз! Лекин, нима бўлганда ҳам телекўрсатувларимиз ахлоқ-одоб доирасидан чиқиб кетмагани ва қайси тилда бўлишидан қатъий назар, миллий мафкурамизнинг соғломлиги, поклигига зиён-заҳмат етказмаслиги зарур, деб ўйлайман ва шу фикримда қоламан.

Сизга салом билан:
Носир РИХСИЕВ.

ҲАФТАЛИК ТV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

КУЛГИ КУНИ

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Кулги базми». Мусиқий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кицик-Мицик ва масхарабоз амаки». Фарғона вилояти кўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
11.35 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 1-серия.
12.05 «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Ҳумо»: «Қуёш юрти».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 III. «Ҳумо»: «Мувозанат». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
22.25 Халқаро кулги қунига. «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Дам олиш дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.20 «Ўхшаш чехралар». Теле-шоу.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тусау кесу». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси 18.20—20.40
*
20.40 «Тунги жазирама». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевиденеси
23.00 — 23.30 «Вести».
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.35 Ешлар ижро этади.
20.05 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.20 «Саломатлик — туман бойлик».
20.50 «5+1».
21.20 «Спорт-тайм».
21.50 «Эколот-коктейль».
22.20 «М» хабар.
22.30 Эълонлар.
22.35 — 23.15 «Кимга қанақа?»

СЕШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Наврўз лавҳалари». Кинодастур.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Хоразм наволари». Мусиқий дастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Она тили.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи.
*
12.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 2-серия.
12.30 «Санъат қунчалари». Кўрик-танлов ғолибларининг чиқиши.
13.00 «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Дам олиш дастури.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видеоканали:
1. «Наврўзлар айтгали келдик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видеоканали:
2. «Офтобга тасанно».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видеоканали:
3. «Наврўз келди — келди янги йил».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видеоканали:
4. «Ҳар қунинг ўлсин Наврўз».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент», «Тошкент фавворалари». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.20 — 20.40
*
20.40 «Джазда фақат қизлар». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевиденеси
23.00—23.30 «Вести».
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Каталог».
21.20 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.30 Эълонлар.
22.35—24.00 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Қизиқарли учрашувлар». Республикада хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Муҳитдинова билан учрашув.
9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нодир хазина». Телефильм.
9.20 «Ватанпарвар». Шижоатли ёшлар.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳовлимиздаги стадион». Спорт кўрсатуви.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Табиёт.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.
*
12.00 Дутор ва танбур тароналари.
12.35 «Ўхшаш чехралар». Теле-шоу.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Ислоҳот ва масъулият. «Изланишлар қанотида». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Наманган вилояти.
21.40 «Меҳринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова.
22.10 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
22.50 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.20 Лирик концерт.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд», «Прага билан учрашув». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30—8.00 «Телетонг».
* * *
18.20—20.40
*
20.40 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевиденеси
23.00—23.30 «Вести».
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзинг ҳақингда сўзлаб бер». Ёш мусаввир Н. Жабборова ҳақида.
19.30 «Айчурек» (қирғиз тилида).
20.10 «Аеллар» (такрор.).
20.40 «Рақслар қанотида» (такрор.).
21.20 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Тошкент оқшомида».
23.05 — 23.25 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.

ПАЙШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Меҳринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.25 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
*
18.20—20.40
*
20.40 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм.
22.30 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг».
*
Россия давлат телевиденеси
23.00—23.30 «Вести».
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Уй остонадан бошланади».
19.40 «Иштирок этувчилар». Режиссёр Э. Давидов билан учрашув.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.30 «Компьютер-ревю».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Эллада».
22.40 — 23.10 «Фармон ва ижро». Мулк давлат ҳимоясида. Телемулокот.

ЖУМА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Сахна ҳаёти». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромова.
9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рақслар гулдастаси».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 Диққат, премьера: «Мангуликка дахлдор». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
12.20 «Зебо». Қизлар тележурнали.
12.50 «Браслет-2». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Замон билан ҳамнафас». «Тадбиркорлар таянчи».
18.40 Футбол шарҳи.
18.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамияти ва унинг маънавияти.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Марказ ва минтақалар».
21.35 Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов концерти.
22.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 Диққат, премьера: «Дил тароналари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Муаллиф».
18.45 «Ривоят».
18.55 «Офарин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эртага — шанба».
21.15 «Мафтункор чехралар».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Давон». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30—8.00 «Телетонг».
18.20—20.40
*
20.40 «Ҳақиқат билан тўқнашув». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевиденеси
23.00—23.30 «Вести».
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Хотира». Органчи Д. Валалатзода ижоди ҳақида.
19.30 «Экология ва ҳаёт».
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 — 23.15 «Кашфиётлар ва ихтиролар».

ШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
9.45 «Халқ ижодиёти».
10.15 «Кичкинтой» устахонаси.
10.45 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
11.25 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
11.50 «Тупроғи зар Ватаним менинг». Қашқадарё геология-кидирув экспедицияси иш фаолиятига бағишланади.
12.25 «Таранним». Мусиқий дастур.
12.55 «Саёҳатлар эртаги». Бадиий фильм.
14.35 — 15.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.50 Спорт хабарномаси.
19.05 Диққат, премьера: «Ҳангома». Юмористик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қушиқлар қўрик-танлови.
22.00 «Беш халқа жозибаси». Спорт кўрсатуви.
22.45 «Қадимги маросимлар». «Тановар» рақс театрининг янги дастури.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.40 «Компьютер-Осиё».
10.15 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
11.05 «Автосалон».
11.25 «Сизнинг услуб».
11.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 15.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совга».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Мактуб».
18.45 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 Видео янгиликлари.
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

III
17.50 Дастурнинг очилиши.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Туркман тулпорлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
18.20—20.40
*
20.40 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевиденеси
23.00—23.20 «Вести».
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Жонли сайёра».

IV
10.00 «Энг чиройли кемачалар». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
11.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.30 — 13.10 «Умид» (уйғур тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».
19.20 «Дунё ва болалар».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Телеташриф».
21.05 «Бугунги Европа».
21.25 «Олам ва одам».
22.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Сахий хонадонда».
23.15 — 23.35 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 7

КОНЧИЛАР КУНИ
●
ХАЛКАРО САЛОМАТЛИК КУНИ

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.45 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия.
12.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.05 «Тараққиётимиз таянчлари». Кончилар кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
13.45 — 14.20 «Ғолиб курси». Телевизион ўйин.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Оҳанграбо».
18.35 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ўзбек адабиёти — жаҳон кўзгусида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 4-серия.
21.35 «Бархаёт наволар». Ҳожихон Болтаев.
22.35 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».

II
9.00 «Эртак».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Ривоят».
9.40 «Офарин».
10.10 «PAKS» тақдим этади.
10.40 «Мафтункор чехралар».
11.05 «Таманно».
11.15 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.55 «Оҳанглар оғушида».
12.05 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.50 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
13.20 «Мусиқа салтанати».
13.40 Видео янгиликлари.
14.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.40 — 16.20 Видео — «О».
***
17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.40 Эълонлар.
17.45 Бол

Санъат ва санъаткор олами

ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАРИМАЙДИГАН ЗУҲРА ВА...

Таниқли санъаткорлар Юлдуз Ризаева ҳамда Сора Эшонтўраева ҳузурида

...Наврўзнинг энг ажойиб, энг файзли ва айтиш жоиз бўлса, энг савобли хусусиятларидан бири шундаки, бу улуғ айём кунларида таниш-билиш, ёр-биродарлар ўртасидаги меҳр-оқибат яна бир карра синовдан ўтади, ниру-бадавлат кишилар, кексалар, эл эъзозидаги фидойи инсонлар йўқланадилар... Ана шу маънода ўзбек журналистикасига илк қадам қўйётган бир гуруҳ талабаларнинг, таваллудига 70 йил тўлаётган Юлдуз Ризаева ҳамда 85 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган Сора Эшонтўраева ҳузурида бўлиши ҳар қачонгидан ҳам ҳаяжонлироқ ва завқлироқ ўтганини эътироф этмай илożимиз йўқ. Икки авлод, икки олам, икки тасаввур... Машҳур ижрочиларнинг ижод оламида эндигина тетапоя қилаётган ёшларга меҳр-муҳаббати, бир-бирларига ҳавас билан боқишлари, устозларча, оналарча ўгитлар... Буларнинг барча-барчаси бир умр ёдда қоладиган қувончли дамлар эди...

Кутганимиздай бўлди: ўша «Тоҳир ва Зуҳра»даги Зуҳрахоннинг назокати, латофати, жозибали қалбини минг-минглаб тошабинларга етказиб бера олган Юлдуз опа — ўша севимли қаҳрамони ёшидаги ва айнан ўша гўзалликни эслатувчи ўн саккиз йиллик хуснсоҳибасига — санъаткор дийдорига ошиққан бўлажак журналистга қандайдир маъюс кайфиятни ифода этувчи табассум ила зимдан нигоҳ ташлади. Шу вақтда унинг нозик кўнглидан нималар кечгани аён эди... Унинг суҳбатдоши — Шоира эса бу ҳолатни англаб, уни саволга тутди:

— Юлдуз опа, ҳозирги ёшларга ўзингиз ижро этган ва ҳаммамиз учун севимли бўлиб қолган Зуҳра нигоҳи билан қарай оласизми? Зуҳра — сизнинг иккинчи исмингизга айланиб қолганидан хурсандмисиз?

— Ўргулай сиздан, қандоқ қилиб хурсанд бўлмай? Зуҳра — менинг ёшлигим, фахрим, порлоқ юлдузим-ку! У ўзининг қайғуси, армони, фожиаси ила йиллар давомида меники бўлганку!.. Зуҳрам севги қурбони бўлган эса-да, менинг қалбимда ўша ўн саккиз ёшлигича қолган. У қаримайди. Балки, мен ҳақимда «Етмиш ёшли Зуҳрани кўрдим» деб гапирарсиз. Лекин, барибир фильмдаги Зуҳра ёшлигича қолаверади. Чунки, у чин севги ифодаси, ёшлик рамзи, садоқат намунаси. Шу боис қаҳрамоним ҳолатига, руҳиятига кириб, бугунги кунга қарай оламан. Менинг Зуҳрам ёшлар севгисига, мурод-мақсадига етишаётганини кўриб, ҳавас қиларди, Тоҳирни совчиликка юборарди, ўзи эса канизаклари Қамар ва Юлдуз билан ашула айтиб, рақс тушиб ишматда бўларди. У бутун юриш-туриши, назокати ила одоб-андишани эслатарди...

Бу сўзлар ён дафтарчасига нималарнидир шоша-пиша ёзаётган бўлажак қаламкашга маъқул бўлаётгани унинг юз-кўзларидаги ифодадан маълум эди. Лекин, у «Тоҳир билан яъни артист Ғулом Тожиаъловев билан учрашиб турасизми?» деган саволга «Йўқ» деб жавоб олганда таажжубини яшира олмади.

— Ие?!.

— Ҳамидуллахон киночилар уйига, телекўрсатувга таклиф этиб, «Тоҳир ва Зуҳра»ни кўрсатганларида бир-икки дақиқа бирга бўлдик, холос, — изоҳ берди Юлдуз опа. — Соқол, узун яктак, оқ чопон жуда ярашибди уларга...

Юлдуз опанинг ўйчан мулоҳазаси, Шоирахоннинг самимияти, умуман икки нуқтаи назарнинг «тўқнашуви» кишини ҳам қувонтиради, ҳам ўйга толдиради. Артист фильм ёки спектаклда «севган» қаҳрамонига ҳаётда ҳам шундай — саҳнадагидек, экрандагидек муносабатда бўла олмаслигини тушуниб етиш учун балки йиллар керак бўлар... Аммо ростдан-да, нега энди икки машҳур санъаткор саҳнадан чиқибоқ бир-биридан шунчалар узоқлашиб кетиши керак? Нега?.. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, хамкасб сифатида улар эл назарида ҳамиша ёнма-ён туришлари лозим-ку?! Бўлажак журналистнинг икки шахс муносабатига бундай ёндошуви ва куюнчаклигидан ич-ичимдан мамнун бўлиб кўйдим...

Орага сукут тушди... Кейин яна савол. Янги мавзудан Юлдуз опанинг ўзлари ҳам яйраб кетдилар, бироз изтироб билан сўзлай бошладилар:

— Зуҳрани ўйнаган пайтларингизда ҳеч кимни севмаганмидингиз, дейсизми? Улгурмаганман! Ўшанда ўзим ҳам эндигина ўн еттига чиққандим-да! Бунинг устига уруш бўлаётган эди... Турмуш ўртоғимни кейин учратганман. 50-йилларнинг бошларида. Ҳасанбойда бўлган бир тўйда рўпарамга келиб, қўлларини иякка қўйиб, менга термулиб ўтирганлар... Кейин тўйимиз бўлди...

...Сора опаникига келганимизда яна бир шогирдим — Ферузанинг ҳайратга тушганини кўриб қувондим. «Вой, ўзлари кутиб олдиларе! Қаранг, машҳур Сора Эшонтўраева оддий кийимдалар, оддий бир шароитда яшарканлар!» Сора опамиз ёшларнинг чеҳрасидаги қизиқиш аломатларини дарров сездилар:

— Ҳа, айланайлар, мен бойлик йиғмадим. Кўриб турибсиз. «Пул йиғма, обрў йиғ» деганлар. Мен бирор қимматбаҳо буюмим билан эмас, орттирган дўстларим, қилган ишларим билан фахрланаман. Мирзо Турсунзода, Лев Свердлин... Айтаверайми? Дафтарингиз исм-фамилиянинг ўзи билан тўлиб қолади-да? — Сора опа шундай деб кулиб юбордилар ва суратлар жойланган катта альбомни варақлай бошладирар.

— Қандай бахтлисиз-а! Шундай буюк одамлар билан бирга ижод килгансиз!..

— Ҳа, бахтлиман. Армоним йўқ ҳеч менинг! Шунча йил умр берилипти менга. Шунча дўст-биродар! Эҳ-ҳе, кимлар билан мулоқотда бўлмадим, қаерларда бўлмадим! Аброр акангиз мендан анча катта эдилар. Уларни устоз деб билардим. Севардим ҳам. Ҳаёт ҳам, ижод ҳам осон бўлмаган! Дарвоқе, иккисини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бирга тобландик, қийинчиликларни бирга енгдик. Кўхна бир хонада турардик. Зўр-базўр ёнадиган печка уйни ҳеч иситмасди. Биз эса чин севгини, кўнгил баҳорини, кучли эҳтиросни тасвирлайдиган асардаги бош ролларни тайёрлардик. Хонанинг бир чеккасида кўрпа ёпинган мен — яъни Офелия, иккинчи томонда эса Аброр акангиз — яъни Ҳамлет! Матн устида ишлардик шу алфозда... Эндичи? Ҳозир негадир қийинчилик ҳақида кўп гапиришади. Ахир ҳозир нон, гўшт, ёғ олишга ҳаммамизнинг қурбимиз етади-ку. Олдин етмаган! Барибир ижод тўхтамаган ўшанда ҳам. Вақтинчалик бўлаётган баъзи қийинчиликларга бардош беролмай, туппатузук касбини ташлаб, кўчакўйда атир-упа, сигарет яна алламбалолар сотиб юрган кишиларга нима дейсиз?!

Опа ўтмишдан бугунги кунга «кўприк» ташлаганларида бўлажак журналист кутилмаган савол ташлади:

— Қийинчилик пайтларда Аброр акадай одам ёнингизда бўлган. У кишининг муҳаббати, ҳимояси туфайли ҳам Дездемона, Амалия, Офелия, Гули, Жамила сингари образларни кучли ҳиссиёт билан ўйнаганмисиз?

Опа ўзига тикилиб турган суҳбатдошига меҳр билан қараб қўйдилар ва оналарча мулоҳазакорлик билан сўзлай бошладилар:

— Ўзингнинг севгинг — ўзингники. Санъат асарида эса уни катта бадиий куч билан таърифлаш ва асар мазмунини томошабинга етказиб бериш керак. Бунинг учун истеъдод, меҳнат, тинимсиз изланиш зарур бўлади. Биласизми, Офелиянинг телбаларча юришини тасвирдаш қанчалик кўп меҳнат талаб этган? Аввало, у нима сабабдан шу ҳолга тушганини тушуниб етиш керак эди... Бу меҳри дарё қиз телба ҳолида ҳам ҳеч кимга зиён келтирмайди — менинг Офелиям! У шундайлигича қолди қалбимда. Ўша ҳолда у бир қучоқ гул билан саҳнага чиқадию, ҳаммага бир-бир гул улашади.

Кутилмаганда Сора опа қиёфаларини, нигоҳлари ва талаффузларини бутунлай ўзгартириб, бир неча дақиқадаёқ Офелияга айландилар қолдилар! У ҳозиргина биз суҳбатлашиб ўтирган саксон беш ёшли Сора опа эмас эдилар! Рўпарамизда қалби эҳтиросга тўла, севгидан сармаст Офелия турарди!

— «Мана бу чечаклар сизга, сизга...» Актёр тасаввурдаги бир қучоқ гулу-лолаларни биз, суҳбатдошларига «улаша» бошлаганларида, севимли санъаткорнинг юрагидаги бетакрор ижодий руҳ ҳамон бақувватлигидан ҳаяжонга тушдик, унга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ортди.

...Ҳа, севимли санъаткорлар хонадонидаги дийдор баҳона кўнгиллар санъат оламидаги нодир хазиналарга яна бир бор кўз ташлади, улардан завқланди. Энг муҳими, ёшларимиз англадиларки, даврнинг эл эъзозлаган эътиборли кишиларини билмоқ, уларнинг суҳбатида бўлмоқ, улардан жамики яхши хислат ва фазилатларни мумкин қадар ўрганиб қолмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир...

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Суратда: Юлдуз Ризаева, эллигинчи йилнинг ўрталарида; Сора Эшонтўраева Жульетта ролида.

Шеърият

ҲАҚҚА АЙЛАНДИЛАР АФСОНАЛАРИМ...

Истеъдодли шоира Гулчеҳра Йўлдошева ўз қалбидаги нозик кечинмаларини, ҳиссиётларини ажиб оҳанглар шеърга солади. У тизган сатрларда қандайдир ўзгача тафт бор. Уларни ўқийсиз-у, дилингиз равшан тортади, гоҳ дардчил, гоҳ ўйноқи мисраларда гўё бошқа бировнинг эмас, ўз кўнглингизнинг аксини кўрасиз.

Қуйида шоиранинг газетамизга тақдим этган бир туркум янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Ҳаққа етди Ўзбегимнинг афғонлари,
Ўрзуларин қучиб ётган армонлари,
Сенсиз ғариб Туронзамин осмонлари
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

Келдингмикан Аҳмад Яссавий сабридан,
Соҳибқирон Амир Темурнинг қабридан,
Ҳазрат Алишер Навоийнинг қалбидан
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

Андижоннинг қовунини суйди Бобур,
Андижонга етолмасдан куйди Бобур,
Ёт элларда шоҳликдан тўйди Бобур
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

Минг бир аччиқ тўлғоқда туғилганимсан,
Юрагимнинг қонида ювилганимсан,
Гўр оғзидан қайтганим — тирилганимсан
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

Кел, жароҳат-яроларинг ялаб ўпай,
Узук-юлуқ қанотларинг силаб-ўпай
Етти иқлимга омонлик тилаб ўпай,
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

Кетмас бўлиб келганлигинг рост бўлсин-ей,
Жонингга қасд айлаганлар паст бўлсин-ей,
Исломингга Оллоҳ мадад-дўст бўлсин-ей
Етмиш йилда учиб келган қалдирғочим.

ЭНГ ПОКИЗА ФАСЛ

Жоним эдинг, жаҳоним эдинг,
Ойлар ўпган осмоним эдинг,
Ҳидлаб тўймас райҳоним эдинг
Болалигим, қайларда қолдинг.

Асалмиди, сўзларинг сенинг,
Мунчоқмиди кўзларинг сенинг,
Йўқотдимми изларинг сенинг,
Болалигим, қайларда қолдинг.

Зарра ташвиш, дардинг йўқ эди,
Биллур эдинг, гардинг йўқ эди,
Нигоҳларинг ёниқ чўғ эди,
Болалигим қайларда қолдинг.

Ғафлат босди мени қай куни,
Пошиолликнинг битди ой-куни,
Армон осар энди ҳар куни,
Болалигим, қайларда қолдинг.

Хотирадан излайман букун,
Сен ҳақингда сўзлайман букун,
Тополмасдан бўзлайман букун,
Болалигим, қайларда қолдинг.

Учрашмасак энди ҳамки ҳеч,
Тушларимга кирасан ҳар кеч,
Улгунимча ҳаётимга эш
Болалигим, қайларда қолдинг.

АРМОН

Нечук тиригида тингламадик деб,
Нечук тиригида англамадик деб,
Парвонаси бўлиб айланмадик деб,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

Бу дунёдан жуда эрта ўтди деб,
Сийламас тақдирдан сийлов қутди деб,
Балки кўзлари ҳам очиқ кетди деб,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

Тирик жон чидолмас нолаларимга,
Юракда очилган лолаларимга,
Болаларим қуяр ўз болаларига,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

Боғларга, тоғларга боқаман ҳайрон,
Ҳар не ўз ўрнида яхлит ва омон,
Шул бутунлик ичра йўғингиз армон,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

Фироғим фалакни куйдирар чўғдир,
Юрак ҳам юракмас, ўлдирар, тиғдир,
Нечук яхшиларга сира кун йўқдир,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

Ўлганнинг кетидан ўлмасак, нетай,
Сизни тирилтириб бўлмаса, нетай,
Тонг-ла маҳшаргача кўрмасак нетай,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота,

Қўлдан келганича дуолар йўллаб,
Жаннатлар тўридан Сизга жой сўраб,
Қартайган онамнинг умрини тилаб,
Мен сизни соғиниб яшайман Ота.

ЮЛДУЗГИНАМ, ҚУНДУЗГИНАМ

Ойу қуёш тўсодурми йўлингизни,
Ёсуман ўғирладими кўнглингизни,
Йўқса нечук йўқламайсиз гулингизни,
Осмонимда чарақлаган юлдузгинам,
Дарёлардан топиб олган қундузгинам.

Қалбингизда зулмлардан қаср қурдим,
Париларни шу қасрда асир кўрдим,
Келиб-келиб мен ўзим ҳам асир бўлдим,
Осмонимда чарақлаган юлдузгинам,
Дарёлардан топиб олган қундузгинам.

Бегоналар ишқи иши битгунчадир,
Ё кўзлаган манзилига етгунчадир,
Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир,
Осмонимда чарақлаган юлдузгинам,
Дарёлардан топиб олган қундузгинам.

Бир қайрилиб ҳол сўрсангиз ор бўлмагай,
Бир боқишдан ҳазинангиз тор бўлмагай,
Гулчеҳрадан бошқаси чин ёр бўлмагай,
Осмонимда чарақлаган юлдузгинам,
Дарёлардан топиб олган қундузгинам.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.

МЕҲРИБОНЛАР

Оқибат

ЁШИ саксондан ошган Робия момони маҳалладаги 23-мавзенинг 32-уйида истиқомат қилувчилар «Ширин буви» деб аташарди. Ҳушрўй, мулойим ва катта-кичикнинг кўнглини топиб гапирадиган нуроний онахонни ҳали у қўшни, ҳали бу қўшни уйга таклиф қилиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишар, кўпинча меҳмон ташриф буюрган хонадон тўрига ана шу табаррук инсон билан файз кирар эди.

Робия момонинг соддалиги, поклиги, ўз ёшига муносиб насиҳатгўйлиги, айниқса ён қўшни бўлган Қодир ака, унинг умр йўлдоши Насиба опада, уларнинг бири-биридан меҳнаткаш мўъмин-қобил фарзандларида самимий меҳр уйғотган эди. Ҳатто Қодир аканинг ўғли Нодир момонинг набираси Баҳромга акадек бўлиб кетган, улар гўё бир оила фарзандларидек ўсиб улғайишганди. Бундан Баҳромнинг онаси Розия ая ҳам беҳад қувонарди.

Қисматга бир нарса дейиш қийин экан. Ногоҳ келган ёвуз ажал бир олам орзулар билан яшаётган, ўз ўртоқлари, дўстлари орасида ишчанлиги, оқибати, бировнинг мушкулини осон қилиш борасида ҳозиржавоблиги билан чуқур ҳурмат қозонган ёлғиз фарзанд Баҳромни бувиси ва онаси, тенгдошлари бағридан юлқиб кетди-ю, момони ҳам, 63 ёшли Розия аяни ҳам кетма-кет оғир ҳасталик ўз домига тортди.

Розия аялар оиласи анча йиллар аввал Наманган вилоятидан кўчиб келиб Тошкентда паноҳ топган, қариндошлари олисда бўлганлиги учун улар «Энди қаровчисиз қолдик» дея ҳавотирга тушгандилар.

— Йўқ, момо, — деди шунда Қодир аканинг умр йўлдоши Насиба опа, — асло безовта бўлманглар. Мен ҳозир уй бекаси бўлиб қолганман, иссиқ-совуғингиздан ўзим ҳабардор бўлиб тураман. Баҳромжоннинг маросимлари тўғрисида ҳам ташвишланманг. Нодиржон бор, ўғлингиздек бўлиб қолган Қодиржонингиз ўзим бош-қош бўламан деяптилар, — дея момога ҳамда кўзи ёшланиб изтиробда ётган Розия аяга далда берди.

— Барака топинглар, худо сизларга узоқ умр ато этсин, — деди дуога қўл кўтариб, момо...

Шундай қилиб кўп йиллардан бери халқ соғлиғини сақлаш тизимида бири фельдшер, бири ҳамшира бўлиб ишлаб келган Қодир ака, Насиба опа Қосимовалар, уларнинг фарзандлари Донохон, Барнохон, Нодир, Аъзохонлар бу оила ташвишини ўз ташвишлари деб билдилар. Икки кекса аёлни ўз тугишганларидек парвариш қилдилар. Беморларни дўхтирларга қаратиш борми, озиқ-овқат билан таъминлаш, уйни супуриб силириш, кампирларнинг кирларини ювиш борми ва бошқа юмушларини ҳам заррача малол келмай бажардилар.

Баҳромжоннинг таъзия маросимида эса унинг содиқ ўртоқлари Дилшод, Абилжон, Лазиз, Нурзод, Тўлқинлар Қодир аканинг, Нодирнинг доимо ёнида бўлдилар. Оилани қўллаб-қувватлаб тадбирларни биргалашиб ўтказдилар.

— Қўни-қўшнилар Қодир ака оиласи, Баҳромжоннинг ўртоқлари қўрсатган меҳр оқибатдан беҳад миннатдорлар, — дейди Тинчлик маҳалла қўмитаси раиси Мақсуд Отабоев, — улар саҳоватига бир эмас, бир неча бор ишонч ҳосил қилдик. Баҳромжоннинг ҳаётдан кўз юмиши туфайли бошларига тушган мусибат момони ҳам, Розия аяни ҳам ахир енгди. Уларни бирин-кетин ерга қўйдик. Кексалар жанозалари, маросимларида яна Қодир аканинг, Баҳромжон ўртоқларининг, у ўқиган мактаб илмий бўлим мудири Ахбор Ҳайдаровнинг чинакам одамийликлари, меҳрбахш инсонликлари яққол сезилди. Улар момо ва ая маросимларини ҳам беғараз ўтказиб, марҳумларнинг ёлғиз қолган бир хонали уйларида чироқларини ёқиб ўтиришибди.

Ҳа, дунёда қалби дарё, меҳрибон одамлар кўп. Уларнинг буюк фазилатлари туфайли ҳаёт мазмунли ва нурлидир. Ана шундайлар сафида Акмал Икромов туманидаги «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Қодир акалар оиласи, Баҳромжоннинг содиқ дўстлари ва ўртоқлари борлиги эса дилларда беқиёс меҳр, бундай кишиларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром туйғуларини жўштиради.

Саидвали ҲАСАНОВ.

«ШИВЛИ БУВА»ДА ДИЙДОРЛАШУВ

МАНА юртимизда Наврўзи олам кезиб юрибди. Халқимиз ушбу байрамни зўр қувонч ва шодлик билан тантана қилмоқда. Ана шундай тароватли баҳор фаслининг кўркам дастурхони эрта тонгдан «Шайх Шивли бува»маҳалласи аҳли жамоасини зўр шодиёнага чорлади. Бу ерда мустақил Ўзбекистон байрамлари ҳамиша муносиб нишонланиб, келинади.

— Маҳалламиз жамоаси қутлуғ байрам арафасида сон жиҳатдан кўпайиб, бир йўла ҳам уйғониш фаслини, ҳамда икки маҳалланинг қўшилиб бир бутун бўлганини нишонлашга йиғилишди, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳотам ака Ибрагимов, — Мирзо Юсуф ва Шивли маҳалласи бирлашганидан сўнг келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақаладиган табаррук инсон Шайх Шивли бува номи билан аталадиган бўлиши жамоага маъқул келди. Наврўз нафақат янги кун, янги йил байрами, балки у меҳр-мурувват ва меҳрибонлик, кексаларни, бемор ва табаррук инсонларни йўқлаш, хайрли ишларни кенг жабҳада олиб бориш фасли ҳамдир. Барча фаолларимиз ҳамжиҳатлик билан бу соҳада самарали ишлаб, муҳтож оилаларга баҳоли-қудрат ёрдам бериш чораларини кўрдилар.

Дарҳақиқат, ушбу кун 70-ўрта мактаб ҳовлисида ўтказилган байрам шодиёнаси кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Карнай-сурнайлар навосига хушовоз хонандаларнинг дилрабо қўшиқлари уланиб ўзгача файз бағишлади.

М. АЛИЕВ.

СУРАТДА: Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратга олган.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ЯНА ҒОЛИБЛАР САФИДА

Атлантада ўтадиган ёзги XXVI олимпия ўйинлари тобора яқинлашмоқда. Жаҳон спортчиларининг улкан анжуманида иштирок этиш шарафига муяссар бўлаётган ватанимиз спортчиларининг сони ҳам ортиб бораяпти.

Биз аввалги хабарларимизда дзюдочи Андрей Штурбабин Олимпиадага йўлланмани қўлга киритганлигини маълум қилган эдик. Вилоятимиз вакили куни кеча Италияда жаҳоннинг энг кучли 50 дан зиёд мамлакатидан қатнашган спортчилар даврасида 71 килограммгача вазнлилар баҳсида яна ғолиб келди. Андрей бешта олишувнинг барчасида соф ғалаба қозонди. Тошкентлик Армен Багдасарян бешинчи ўринни эгаллади.

Бугунгача олимпиадага йўлланма олган Ўзбекистон спортчиларининг сони 46 кишига етди.

ХИТОЙГА-ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Хитойга жўнаб кетди. Улар бу ерда Осиё биринчилигида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилишади. Ғолиблар Атлантада ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма эгаси бўлишади.

ЭЪЛОНЛАР

ХУСУСИЙ ЭЪЛОН

Октябрь даҳаси (Штаб)даги ҳамма қулайликларга эга планли уй (4 сотих, 4 хона)

СОТИЛАДИ

Т. 44-02-15 ишхона, 49-47-25 уй.

Бирлик даҳасида 5 хонали (5 сотих) планли уй

СОТИЛАДИ

Т. 47-82-56.

Тошкент шаҳридаги Беруний номли 32-ўрта мактаб томонидан 1994-1995 ўқув йилида Фаррух Тўрахўжаевич Умаровга берилган АО № 008022 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Аҳмаджонов Солижон томонидан 1973 йилда Шайҳонтоҳур туманидаги 3627-сонли халқ банкида очилган ҳисоб рақами бўйича шу банк томонидан унга берилган «кўрсатувчига тўланаверадиган» шаклидаги омонат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов туманидаги «АРКО» брокерлик идораси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 33-17-46 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

«Ўзбек Давлат эстрада» бирлашмаси жамоаси «ОБИД-А» театри актёри

Собит АСОМОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0125. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 11760 нусха.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6